



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 сентябрь, № 201-202 (9096-9097)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЮКСАК МИНБАРДА ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган 80-юбилей сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда ташриф доирасида Президент Дональд Трамп ва АҚШнинг йирик бизнес вакиллари билан ўтказган учрашувлари халқаро экспертларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Чунки давлатимиз раҳбарининг юксак минбардан янграган нутқида илгари сурилган ташаббуслар ҳам, олий даражадаги мулоқотлар ҳам мустақил Ўзбекистоннинг дунё сиёсатида ўз позициясига ва мавқеига эга бўлган мамлакат мақомини яна бир бор яққол намойиш этди.

Муносабат



Ўзбекистон БМТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ҳамда барқарорликни ўрнатишга қаратилган стратегияларни белгилашда фаол иштирок этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида бунга қадар 4 мартаба нутқ сўзлаб, қатор ташаббусларни илгари сурган. Улар асосида мазкур нуфузли ташкилотнинг йигирмага яқин резолюциялари қабул қилинган. Хусусан, 2016 — 2025 йилларда Президентимиз ташаббуслари билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида”, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”, “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар

ролини кучайтириш тўғрисида” каби резолюциялари қабул қилинди. Бу ҳужжатлар таълим, бағрикенглик, минтақавий интеграция ва экологик инкирозга қарши кураш каби масалаларни қамраб олди.

Ассамблеянинг бу галги юбилей сессиясида ҳам Президентимиз глобал кун тартибидagi масалалар ечимига қаратилган ўндан ортиқ таклифларни илгари сурди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни таклиф этди.

Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида таълим тизимининг аҳамияти ҳар нарсадан муҳимроқ. Зеро, бугун дунёдаги барча тараққий этган мамлакатлар бу натижага айнан таълим тизимини ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали эришганлари ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуктаи назардан, сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда ҳам таълим соҳасини ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ва бу саъй-ҳаракатлар ўз натижаларини бермоқда. Президентимиз ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимизнинг мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошди, олий таълимда эса бу кўрсаткич 9 фоиздан 42 фоизга етди. Энг асосийси, ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин кўтаришга ҳал қилувчи масала сифатида қаралмоқда. Президентимиз ўз нутқида киритган таклифнинг амалга ошиши эса профессионал таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олдимизга қўйган мақсадларга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари нутқида бугун-

ги кунда Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланганини таъкидлади. Бу Президентимиз томонидан эълон қилинган ва дунё сиёсатида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим баёнотлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз етакчиси саъй-ҳаракатлари, қатъий иродаси туфайли бугун Марказий Осиё дунё ҳамжамияти томонидан ягона иқтисодий макон сифатида таърифланмоқда. Бунга минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ўзаро интеграцияни чуқурлаштириш йўлидаги самарали механизмга айлангани, сўнгги йилларда минтақамизда ўзаро савдо, инвестициялар ва транспорт ташувлари ҳажми беш баробаргача кўпайгани, қўшма инвестиция жамғармалари, чегара ҳудудларида савдо ва саноат зоналари ташкил қилинаётгани, йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётгани асосий омил бўлмоқда.



Учрашув

Ўзаро ҳамкорлик янада кенгаяди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Франциянинг яқинда ўз вазифасини бажаришга киришган Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Уалид Фук билан учрашди.

Сенат Раиси дипломатни Ўзбекистондаги фаолияти бошлангани билан қутлади ҳамда унинг профессионал тажрибаси икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Франция муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилгани таъкидланди. Бунга олий даражадаги мунтазам ташрифлар, шунингдек, иқтисодиёт ва инвестициялардан тортиб, таълим ҳамда маданиятгача бўлган кенг қўламли соҳаларни қамраб олган келишувлар хизмат қилди.

Учрашувда парламентлараро алоқалар изчил ривожлантиришга эътибор қаратилди. Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик конструктив тарзда давом этаётгани, икки томонлама ташрифлар ва парламент аъзоларининг халқаро форумлардаги иштироки ҳисобига мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Шу муносабат билан тегишли қўмиталар ва парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик лойиҳалари ижобий хусусият касб этаётди. Хусусан, маданият ва маданий меросни асраш, тарихий ёдгорликларни реставрация қилишда ҳамкорлик лойиҳалари ва тажриба алмашувини кенгайтиришга ургу берилди. Шунингдек, туризм соҳасининг турли йўналишларида талабалар учун махсус дастурларни ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 18 сентябрь сонида **сиёсатшунос Кудратилла Рафиковнинг “Аламим бор...”** сарлавҳали таҳлилий мақоласи эълон қилинди.

Ҳар қандай одамни чуқур мулоҳазага ундайдиган ушбу мақолада миллий ўзига ҳослик, тарихга муносабат, халқнинг ўз ўтмишини қадрлаш эҳтиёжи, бугунги давлат сиёсатининг моҳияти, Президент фаолияти ва ички дунёси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан боғлиқ гоялар бунда таъсирчан, шу билан бирга, самимий тарзда баён этилган.

Чуқур маънавий, сиёсий ҳамда



фалсафий мазмунга эга, теран тарихий мулоҳазаларга бой, ҳақиқий интеллектуал таҳлил намуналаридан бири бўлган ушбу мақола кенг

жамоатчилик томонидан ўқилмоқда, шу билан бирга, эътироф ҳам этилмоқда.

4 ва 5-саҳифаларга қаранг.



НАМАНГАН — ГУЛЛАР ВОДИЙСИ

Қай маҳал Фарғона томонларга йўл олар бўлсам, халқимизнинг ардоқли ва дарёдёл шоири Ҳамид Олимжоннинг “Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди манда...” деган муанбар сатрлари эсимга тушади. Тушади-ю, беихтиёр устознинг жарангдор овози еру самони муаттар насимларга тўлдириб, тоғлар орасида акс садо бераётгандек туюлаверади. Ҳаёлот осмонда эса камалак қанотларини пирпиратиб гулу чечакларни мафтун-маҳлиё қилаётган миллион-миллион капалаклар базми пайдо бўлади, гўё...

Мана, ҳозир ҳам Қамчиқ доводидан ўтиб боряпмизу худди шоир улуг тоғларнинг энг баланд чўққисида туриб: “Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк!” дея

ҳайкираётгандек туюлади. Бунчалар илҳомни қаердан, нимадан олган экан оташқалб устоз Ҳамид Олимжон дейман ичимда. Дейману ўша захотиёқ, Фарғона водийси ҳақида бундан бошқача ёзиш мумкинми, ахир деган бир нидо жаранлагандек бўлади дашту далаларда.

Рост-да, шоирман деган одам бу диёр ҳақида бошқача ёзиши, фикрлаши мумкин эмас-да... Тўғрими?

Фарғона водийси минтақавий манзили ва гузал табиятига кўра азал-азалдан абадий яшилликлару мангу баҳор тимсолига айланиб кетган. Бу маконнинг ҳар гўшасида Бобуру Машраб, Фурқату Муқимий, Нодираю Увайсий ғазалларини ўқиб, бахтиёр ва хуррам ашаётган чўпонлар билан деҳқонларга, Усмон



Носир ёҳуд Муҳаммад Юсуфдан шеърлар айтаётган йигит-қизларга, ҳар қадамда мумтоз бунёдкорликлар яратаётган шердил инсонларга дуч келасиз.



Халқ вакиллари — ҳудудларда

Аҳоли манфаатларини таъминлашда бурч ва масъулият

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан қатор учрашувлар ўтказмоқда. Мулоқотлар давомида асосий эътибор жойлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга қаратилаётир.

Педагоглар билан мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдида бир гуруҳ педагоглар, масъул мутасаддилар билан очик мулоқот ўтказди.

Унда, аввало, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги нутқида илгари сурилган фикрлар, таклиф ва ташаббуслар аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчилар юртимиздаги ислохотлар халқаро ҳамжамият, нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани халқимизни қувонтираётганини таъкидладиди. Нутқда илгари сурилган педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш бўйича Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлашини қайд этишди.

Учрашувда тумандаги 14, 26-мактабларнинг педагог ва ўқитувчилари сўзга чиқиб, таълим тараққиёти билан боғлиқ фикр ҳамда таклифларини билдирди.

Ичимлик суви масаласи — диққат марказда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидованинг ўрганишлари Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзотоз туманидан бошланди. Аҳоли билан мулоқотлар хонадонбай шаклда ташкил қилинди. “Қусханатав” маҳалла фуқаролар йиғинида “маҳалла еттичилиги” аъзолари билан суҳбат ўтказилди. Соҳибкор деҳқон Жуғинис Жуманазаров томорқаси кўздан кечирилиб, унинг тажрибасини оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Кегейли туманидаги ўрганишлар эса фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечди. Жумладан, “Қайип майши” фермер хўжалигида етиштирилган пахта ҳосилини ушқоқлик билан териб олиш, теримчиларга зарур шароитлар яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Шундан сўнг депутат тумандаги 1-умумтаълим мактабида бўлиб, ўқувчилар ва уларнинг билим олиши учун яратилган имкониятларни ўрганди. Ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

“Жузимбоғ” овули аҳолиси билан ўтказилган учрашувда юртимизда олиб борилаётган ижобий ўзгаришларнинг нафаси бу ерда ҳам сезилаётгани таъкидланди. Қишлоқ йўллари таъмирланиб, янги ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилаётганини қишлоқ фуқаролари фахр билан тилга олишди. Шунингдек, аҳоли ичимлик сувидан муаммо борлигини билдирди. Депутат келиб тушган ушбу муносабат бўйича тегишли ташкилотлар билан музокаралар орқали ечим топиш йўллари кўриб чиқишини билдирди.



Халқчил ислохотлар — депутатлар эътиборида

Кенг кўламли ўзгаришлар маҳалла ҳаётида акс этмоқда

Яқинда давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инфратузилмани янгилаш ва ёшларга муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилла берган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Зафар Худойбердиев ва Дилноза Азизова вилоятнинг Норин туманидаги “Янги Наманган” деб ном олган маҳалласида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар билан яқиндан танишди. Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ижроси ва уларнинг амалий натижалари таҳлил қилинди.

Сўнгги йилларда Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Давлат раҳбари ташрифи эса аҳолида ишонч уйғотиб, уларни бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишга руҳлантирмоқда. Натижада ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонда амалий ўзгаришлар намоён бўлиб, турмуш даражаси яхшиланяпти.

Бугунги кунда Янги Наманган маҳалласида ҳам қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган. Ушбу маҳаллани ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида маданият маркази, замонавий болалар боғчаси, умумтаълим мактаби ва шифокорлик пункти барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, ички йўللар тўлиқ асфальтланиб, замонавий транспорт ҳамда пиёдалар учун қулай инфратузилма яратилади.



ЮКСАК МИНБАРДА ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

➡ Утган яқин тарихимизда кўшни давлатлар билан совуқ муносабатларнинг салбий оқибатлари меваларини ҳам тотиб кўрдик. Айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуслари сабаб бир-бирига қўшни, қардош бўлган давлатлар ўртасида бугун ишончли ҳамкорлик, тинчлик ва тотувлик қарор топди. Бу нафақат минтақа давлатлари, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Шу нуктаи назардан, Президентимизнинг Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари билан минтақамизда қатор янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича таклифлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиш, ЮНИДО билан саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш, минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик барқарорликка эришиш бўйича дастурларни қабул қилиш ташаббуслари минтақа давлатларида Барқарор ривожланиш мақсадларига мос лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон томонидан Афғонистонда катта иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилаётганини таъкидлаб, ушбу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Мазкур таклиф халқимизнинг “Кўшнинг тинч — сен тинч” деган пурмаёно мақолига ҳамоҳанг равишда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, жафокаш афгон халқининг асрий оғриқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутуши билан бир қаторда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, мазкур таклиф Президентимизнинг халқаро транзит коридорларининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарали логистика занжирларини яратишга қаратилган “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун ўзаро транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш” глобал механизмини жорий этишга оид давлати билан ҳам ҳамоҳангдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, БМТ мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликка қўшган ҳиссасини доим эътироф этади. Зеро, Президентимизнинг чиқishi орқали Ўзбекистон нафақат муаммоларни тилга олади, балки уларга аниқ ечим таклиф этади. Мисол учун, биронта халқаро тadbир йўқки, Ўзбекистон Президенти Афғонистонда тинчлик-тотувликни таъминлаш, афгон халқининг яхши, фаровон яшашга ҳаққи борлиги масаласини кўтармаган бўлса. Чунки Ўзбекистон раҳбари бугун дунёда юз бераётган барча зиддиятларни тинч йўл билан, ўзаро музокаралар ва манфаатларни бирдек ҳурмат қилиш орқалигина ечиш кераклигига нафақат ургу бермоқда, балки унинг намунасини ҳам кўрсатапти.

Ўзбекистон учун Афғонистон нафақат қўшни, балки минтақавий барқарорликнинг асосий омилларидан биридир. Мамлакатимиз кўп йиллардан бери Афғонистонни яқалаб қўйиш эмас, балки қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаб келади. Бу борада БМТ асосий мулоқот майдони бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз бу жараёнда воси-

тачи ва ташаббускор сифатида иштирок этмоқда, мулоқотларни ташкиллаштирмоқда, инфратузилмавий лойиҳаларни таклиф қилаётир, гуманитар ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Термиз шаҳрида очилган махсус таълим маркази ҳамда юртимиздаги бошқа олийгоҳларда афғонистонлик талабалар тиббиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, халқаро муносабатлар ва иқтисодиёт ҳамда ҳуқуқ соҳаларида таълим олмоқда. Шунингдек, Термиз халқаро савдо марказида Афғонистон фуқароларининг савдо-сотик қилишлари, таълим, тиббиёт ҳамда бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан иқтисодий-гуманитар соҳаларда йўлга қўйган ҳамкорлигининг мана шундай амалий натижалари халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлаётир.

“Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илгари сурилган ташаббус ва таклифларнинг замирида дунёда тинчликни таъминлаш, халқаро иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, энг муҳими, мамлакатимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадрини ва фаровонлигини ошириш мақсади мужжасам.”

Умуман, хавфсизлик масаласи ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон учун ягона йўл — бу ўзаро ҳамжиҳатлик йўлидир. Ушбу анжуманда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг долзарблиги шундаки, улар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида биргаликда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришга ва қатор муаммоларнинг ечимига, минтақа давлатлари ва умуман, чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилганлигидандир.

Хусусан, Фаластин масаласи бугун ҳам халқаро ҳамжамият кун тартибининг энг долзарб ва ҳал қилганимган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз ўз нутқида Ғазо секторидидаги вазият бўйича Ўзбекистоннинг позициясини аниқ-равшан айтиб ўтди. Жумладан, ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга қаршилик, айниқса, БМТ резолюцияларига мувофиқ “икки халқ ва икки давлат” тамойилига содиқликка даъват Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатининг ёрқин ифодасидир. Ва бу сиёсат фақат ташаббуслардагина эмас, амалий ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ғазо секторининг Рафаҳ худудидан 100 нафар фаластинликнинг Ўзбекистонга олиб келиниш, уларга ҳамхўрлик кўрсатилгани фикримизнинг яққол далили, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун дунё фақатгина сиёсий майдонларда инқирозга юз тутмаяпти. Инсоният бошида турган энг катта хавф-хатар экологик муаммолар билан ҳам боғлиқ. Дунёнинг бирон-бир минтақаси ёки мамлакаати йўқки, ушбу хавфдан холи бўлсин. Президентимиз БМТнинг юксак миёнбанди сўзлаган ҳар бир нутқида жаҳон афқор оммасини ана шу хавфдан огоҳ этади, ҳамжиҳатликка чорлайди.

Жумладан, 80-сессияда ҳам Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш, сув ресурсларининг тақчиллиги каби масалаларга тўхтаб ўтилди. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 млн. гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилгани, 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоиз

қисмида яшил қопламалар ҳосил қилиниши айтилди.

Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан Орол денгизининг қуриган тубида яшил қопламаларни барпо этиш лойиҳасининг амалдаги ижроси натижасида ҳудудда чанг ва кумларнинг ҳавога қўтарилиши кескин камайишига эришилди.

Инсон қадрини олий қадрият саналадиган янги Ўзбекистон учун аҳоли фаровонлигини ошириш, саломатлигини асраш, гендер тенглигини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз нутқида айни шу мақсадлар ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқарганини айтиб, бунга, аввало, таълим ва илмфан соҳасини ўзгартириш, инновацион тар-

моқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратиш орқали эришилаётганини таъкидлади.

Бундан ташқари, Президентимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозаларга мос равишда ташкил этишга қаратилган ислохотлар изчил олиб борилаётганига ҳам қаратди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида соғлиқни сақлаш, шунингдек, таълим ва маданият соҳаларида сунъий интеллектнинг амалий ечимлари ва моделларини бегараз алмашишга қаратилган халқаро ҳамкорлик механизми яратишни таклиф этди. Бундай механизм нафақат соғлиқни сақлаш, балки таълим ва маданият соҳалари ривожига ҳам катта туртки бериши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида муҳим йўналишлардан бири сифатида гендер сиёсати ҳам тўхталиб ўтди. Мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий ҳаёти ва тadbиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буён ҳам мустаҳкамлашни мақсад қилганимиз, минтақамиз миқёсида Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдори эканлигимиз таъкидланди.

Бу сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенглиги масаласи давлат сиёсати даражасига қўтарилгани ва барча соҳаларда хотин-қизларнинг ролини ошириш борасидаги ислохотларнинг ортга қайтмаслигидан далолатдир.

Бугун юртимиз аёллари барча жаҳаларда ўз ўрни ва муносиб маккеига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, миллий парламентимизда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, аёл депутатлар ва сенаторлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 38-поногага қўтарилди. Шунингдек, бошқарув лавозимидидаги хотин-қизлар улushi 35 фоизга, сиёсий партияларда — 49, олий таълим тизимида — 44, тadbиркорлик

соҳасида эса 43,5 фоизга етди. Беш нафар хотин-қиз туман ҳокими сифатида фаолият кўрсатмоқда. Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда аёллар улushi 2018 йилда қарийб 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки ярим баробар ошиб, 7,7 фоизга етгани эътиборга молик. Ва бу, албатта, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуслари асосида гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш борасида амалга оширилган тизимли ишлар самарасидир.

Бир мақола доирасида Президентимиз илгари сурган ташаббусларнинг барчаси ҳақида сўз юритиш, уларнинг оламшумул аҳамиятини очиб бериш мушкул. Зеро, бу таклиф ва ташаббусларнинг ҳар бири алоҳида мақолага арзигулик. Аммо ҳақиқат шуки, Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илгари сурилган ташаббус ва таклифларнинг замирида дунёда тинчликни таъминлаш, халқаро иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, энг муҳими, мамлакатимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадрини ва фаровонлигини ошириш мақсади мужжасам.

Жаҳон аҳлини ўйлантираётган долзарб масалаларни глобал кун тартибига олиб чиқиш орқали мамлакатимиз масъулиятли ва аниқ натижаларга йўналтирилган халқаро ҳамкорлик йўлида қатъийлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Бу мамлакатимиз учун янги имкониятлар ашигини очиб қараборида фуқаролар ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб, янги иш ўринлари, таълим имкониятлари, тоза атроф-муҳит ва хавфсиз келажакка хизмат қилади.

Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва ғояларни кенг тарғиб этиш, халқаро парламентлараро платформаларда дадил кўтариб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда миллий парламентимизнинг ўрни бекиёс. Биз, сенаторлар бу жараёнларда олдинги сафда, фаол ва намуна бўлишимиз керак.

Президентимизнинг АҚШга таширфи давомида АҚШ Конгресси аъзоси, Вакиллар палатасидаги Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус раиси Трент Келли билан бўлган учрашувда парламентлараро мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, шу жумладан, парламентлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада уюштирилган видеоселектор ййғилишида ҳар бир ҳудудимиз АҚШнинг муайян штати билан ҳамкорлик ўрнатиб, маҳаллий тadbиркорлар ва хорижий шериклар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтиришига кўмаклашиш зарурлигини қайд этди.

Ҳудудий вакиллик органи сифатида Сенат, барча сенаторлар, қолаверса, маҳаллий Кенгашлар бу ишга бош қўшиши, ҳудудларнинг ўзига хослиги ва имкониятларини чуқур ўрганиб, ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаши, таклифлар ишлаб чиқиши ва парламентларимиз ўртасида бўлиб ўтадиган ўзаро мулоқотларда уларни кун тартибига қўйиши зарур.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига қилган тарихий таширфи асосида барча ижро ва вакиллик органлари томонидан чора-tadbирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш кутилмоқда. Биз ҳам, ўзимизнинг режаларимизда, халқаро фаолиятимиз доирасида уларнинг тўлақонли ижросини таъминлашда янада фаолроқ бўлишимиз лозим.



Маданий-гуманитар, иқтисодий-ижтимоий йўналишларда алоқалар мустаҳкамланади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Эрон Исламий кенгаш мажлиси депутати ва “Эрон — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Жавад Никбин билан учрашув ўтказди.

Меҳмон Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, кенг кўламли ислохотлар, Президентимизнинг халқаро майдондаги оқилона сиёсати туфайли минтақамиздаги дўстона муҳит ривожланаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, томонлар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари асосида сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, янги босқичга қўтарилиганини алоҳида таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда парламентлараро алоқалар фаоллашгани, парламент раҳбарларининг мунтазам мулоқоти ва ўзаро ташрифлари икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани қайд қилинди.

Учрашувда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт ва туризм соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мазкур йўналишларда давлат раҳбарлари ва ҳукуматлар ўртасида эришилган келишувларнинг амалга оширилишини қатъий парламент назоратида олиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Эрон билан тиббиёт, нанотехнология йўналишларида тажриба алмашиш, Ўзбекистоннинг денгизга чиқишида ушбу мамлакат портларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Эрондаги вилоятлар ўртасида маданий-гуманитар, иқтисодий-ижтимоий йўналишларда ҳудудлараро алоқаларни йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Учрашув якунида истикболдаги режалар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».



Ўзбекистон — Эрон: БИРГАЛИҚДА ЁРУҒ ИСТИҚБОЛ САРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳақимов Эрон Ислам Республикаси Исламий кенгаши мажлисининг депутати, “Эрон — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Жавад Никбин билан учрашди.

Мулоқот аввалида кейинги йилларда Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилгани, икки томонлама алоқаларнинг барча йўналишида ўзаро муносабатлар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил июнь ойида Эрон Ислам Республикасига расмий таширфи нафақат икки томонлама муносабатларнинг янги даврини бошлаб бергани, балки Ўзбекистон — Эрон муносабатлари кенг қамровли ҳамкорлик даражасига қўтарилгани мамнуният билан қайд қилинди.

Сўхбат чоғида меҳмонларга “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палатанинг қўмиталари, комиссияларининг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, Ж. Никбин самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат, кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг натижаларини эътироф этди.

“Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда, жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўламан. Бу, албатта, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидан далолатдир”, деди Ж. Никбин.

Учрашувда томонлар парламентлараро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикр алмашди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида таълим сифати қониқарлими?

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг мажлисида ижтимоий масалалар ва унга оид қонун муҳокамаси ўтказилди.

Мазкур жараёнда “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонунда ижтимоий иш соҳасидаги асосий тушунчалар акс эттирилгани таъкидланди. Бундан ташқари, унда соҳанинг асосий тамойиллари, ижтимоий ишни ташкил этиш, уни тартибга солиш, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам ҳамда шу соҳалардаги давлат назорати, ижтимоий ҳодимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятнинг қафолатлари белгилаб берилганлиги қайд этилди.

Қонун ижроси юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда экспертларнинг таклифлари эшитилди. Батафсил ўрганишлардан сўнг кўмита томонидан тегишли қарор қабул қилинишига келишилди.

Шунингдек, мажлисда Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун яратилган шароитлар, таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда ҳозирги кунда 877 та давлат умумтаълим мактаби фаолият юртида, уларда 568 027 нафар ўқувчи билим олмоқда. 2025 йилда мактабни 34 720 нафар ўқувчи тамомлаган бўлиб, улардан 30260 нафари давлат олий ўқув муассасаларига ҳужжат топ-

ширган, натижа ўртача 76,9 баллни ташкил этган. Йиғилишда сенаторлар томонидан таълим сифатини баҳолашга қаратилган тadbирларда айрим камчиликлар қайд этилди. Хусусан, 2025 йилда ўтказилган педагог кадрлар аттестациясида ўқитувчиларнинг 852 нафаридан (8,2 фоиз) малака тоифаси пасайган, 5 775 нафари (55,3 фоиз) эса белгиланган минимал ўтиш баллни тўплай олмаган. Шунингдек, 2025 йилда ўқувчиларнинг минтақавий ва халқаро олимпиадалардаги иштироки республика кўрсаткичининг бор-йўғи 2,5 фоизини ташкил этган (республика бўйича жами медаллар сони 195 та, Тошкент вилоятида эса 5 та).

Шу билан бирга, вилоятда жами 158 та умумтаълим мактаби узоқ йиллардан буён давлат дастурлари асосида мукаммал таъмирланмаган, 149 та мактабнинг спорт заллари таъмирталаб ҳолатда бўлса, 174 та мактабнинг спорт заллари мавжуд эмас, 2 059 та спорт майдончасидан 552 тасининг ҳолати қониқарсиз аҳволда.

Муҳокама якунида мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди ва кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

Парламент дипломатияси имкониятларидан фойдаланиш – муносабатларни юксалтиришнинг зарур шарт

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Такаши Хатори билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги аънаваний дўстона муносабатлар ҳамда стратегик шериклик изчил ва барқарор ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Япония Осиё ва Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг муҳим сиёсий, иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорларидан бири сифатида эътироф этилди.

Учрашувда иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, парламентлараро алоқаларни чуқурлаштириш ва парламент дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, парламентлараро дўстлик

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Осиё ва Тинч океани давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш ташаббусига қўшилди.

ИСМОИЛ ҲАКИМОВИЧ ЖЎРАБЕКОВ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг маслаҳатчиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков шу йил 28 сентябрь куни 94 ёшида вафот этди.

И. Жўрабеков 1931 йил 12 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича таълим олди. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 8-жамоа ҳўжалигида муҳандис-гидротехник сифатида бошлади. Кейинчалик ушбу туманда Сугориш маркази бошлиғи, Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Самарқанд вилояти қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи, “Сувқурилиш” трести бошқарувчиси, Сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазири каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилиб, республикамизда ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ташкилий-ҳўжалик ишларига раҳбарлик қилиш борасида катта билим ва тажрибага эга бўлган И. Жўрабеков 1985 йилда янада масъулиятли вазифа — Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари сифатида давлатимиз мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз олдида турган ғоят серқирра ва кенг қўламли вазифаларни бажариш йўлида жонбозлик кўрсатди. Хусусан, ижро ҳокимияти институтлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимликлар ишини мувофиқлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатларини намойиш этди.

И. Жўрабеков Давлат сув назорати бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимларида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларимизни амалга оширишда И. Жўрабеков, мўътабар ёшда бўлишига қарамасдан, сув ҳўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида хизмат қилиб, ўзининг бой билим ва тажрибаси, қимматли маслаҳатлари билан соҳани ривожлантириш, ёш кадрларни тарбиялаш ишларида фаол иштирок этди.

И. Жўрабековнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони, “Меҳнат шўхрати”, “Дўстлик”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Исмоил Жўрабековнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ



Аҳоли манфаатларини таъминлашда бурч ва масъулият



Эътибор ва ғамхўрлик самараси

Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бўлди. 9-умумтаълим мактабида ўтказилган учрашув қизгин ва самимий ўтди.

Таълимда стандарт услуб ва андозавий ёндашувлар етарли натижа бермаслиги мумкин. Зеро, ҳар бир дарс, ҳар бир методика ижодий ёндашуви талаб қилади. Мактабнинг қимё фани ўқитувчиси Баҳодир Хидиров буни яхши англайдиган ижодкор устозлардан бири. Устоз тарбиялаган бу йилги битирувчиларнинг 90 фоизи олийгоҳ талабаси бўлгани эса таълимга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Депутат мактаб жамоаси билан дилдан суҳбат қилди. Уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Ўрганишлар Иттифок маҳалласида давом этди. Сайхунобод тажрибаси асосида томорқа ва уй ҳўжаликларида унумли фойдаланиб, даромад топаётган 88 ёшли отахон Ҳайитали Аҳмедов хонадонида бўлиб, унинг узоқ йиллик тажрибаси ўрганилди.

Хонадондаги 15 сотих майдондан бир йилда 50 миллион сўм даромад олаётган тажрибали боғбон 180 тул олма, 50 тул анор қаторлари орасида мавсумга қараб сабзавот экинлари ҳам парваришлайди.

Ўрганишлар давомида “маҳалла еттилиги” томонидан ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, томорқадан унумли фойдаланишга қўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳам тақдирот қилинди.

Мурожаат ижобий ечим топди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азизбек Акбаров ўрганишлар давомида Балиқчи тумани “Гўровон” МФЙ ҳудудидаги маҳалла тиббиёт пунктида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, депутат шу йилнинг январь, июнь ойларидagi ўрганишлари давомида ҳам мазкур муассасага ташриф буюриб, муассасада аҳоли саломатлигини тиклаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, кунлик беморларни қабул қилиш жараёни қай даражада амалга оширилаётгани, беморлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишган эди.

Ўрганишлар натижасида аён бўлган эдики, бионинг фа-

сад қисми таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Шунингдек, муолажа хоналарининг ҳолати ҳам киши таъбини хира қиларди. Бу эса тиббиёт пунктига шифо истаб келган фуқаролар учун бир қатор ноқулайликлар туғдирар эди.

Депутат аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб, бу каби ҳолатларни бартараф этишда ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда амалий қўмак беришни ваъда қилган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, халқ вакили аралашуви натижасида тиббиёт пунктида таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Депутат бу балги ўрганишлари давомида мазкур тиббиёт масканидаги ишлар ҳолати билан яқиндан танишиб, ўз тавсияларини бериб ўтди.

Кўшимча даромад манбаи

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Рахимов Шофиркон туманидаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи омилкор деҳқон Бахшилло Зоиров хонадонида бўлди ва у ердаги иссиқхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Деҳқон ўзининг 10 сотих томорқасидан оқилона фойдаланиб, катта ҳосилдорликка эришмоқда. Хусусан, 4 сотихида қарам, 3 сотихида лимон дарактлари, қолган 3 сотихида эса турли хил мева ва сабзавотлар парвариш қилинмоқда. Ушбу фаолият бир томондан оиланинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминласа, иккинчи томондан, қўшимча даромад манбаи ҳам бўлиб хизмат қилмоқда. Деҳқон йилга 40 — 50 миллион сўмгача даромад олмақда. Шунингдек, томорқасини томчилатиш усулида сугормоқда.

Суҳбат чоғида у келгусида иссиқхона фаолиятини янада кенгайтириш, қиш мавсумида ҳам томорқадан самарали фойдаланиш ниятида эканини билдирди. Депутат бундай ташаббусларни юқори баҳолаб, фуқароларнинг ҳар бир қарич ерга эътибор бериши мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги экологик барқарорлик ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Кенг кўламли ўзгаришлар маҳалла ҳаётида акс этмоқда



Ёшлар учун министадион қурилиб, уларнинг спорт билан шуғулланиш имкониятлари кенгайтирилди. Электр таъминоти, ичимлик суви ҳамда алоқа хизматларининг сифатини ошириш юзасидан техник лойиҳалар асосида амалий ишлар олиб борилади.

Маҳалланинг замонавий қиёфасини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ёш авлод учун муносиб таълим ва тарбия шароитларини яратиш ислохотларнинг асосий мақсадидир.

— Маҳалладаги амалий ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, белгиланган вазифаларнинг ҳар бири амалда ўз ифодасини топаётганига ғувоҳ бўлдик, — дейди депутат Зафар Худойбердиев. — Маҳалланинг бутун инфратузилмасини янгиллаш, таълим ва тиббиётга оид объектларни қуриш, ёшлар учун спорт шароитлари яратиш, йўл ва коммуникация тармоқларини яхшилаш орқали бу ҳудуд яқин йилларда бутунлай ўзгариши кутилмоқда. Келгусида Янги Наманган маҳалласи-

нинг замонавий инфратузилмаси, таълим ва тиббиётга бўлган янгича ёндашуви билан бошқа ҳудудларга ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу эса биз, депутатлар зиммасига ҳам назорат, ҳам халқ орасида тушунтириш ишларини қучайтиришдек масъулиятли вазифаларни юклайди.

— Ўрганишларимиз давомида аҳоли хонадонларида бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилдик, — дейди депутат Дилноза Азизова. — Уларнинг кундалик турмуши, мавжуд муаммолар ва тақлифларини ўргандик. Юртдошларимиз Президент ташрифидан кейинги янгиланишлар ва инфратузилмадаги кенг қамровли ўзгаришлардан мамнунлигини билдирди. Бу розилик — олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги ва давлат идораларининг халқ манфаатларига хизмат қилишга интилишида намоён бўлди.

Депутатларнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўтказган учрашувларида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар

муҳокама қилинди. Бу жараёнда очиқлик ва ҳисобдорлиқни қучайтириш, аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳалладаги боғча ва мактаблар фаолиятини ўрганиш давомида педагоглар билан самимий суҳбат қилинди. Мулоқот чоғида ўқитувчилар учун яратилаётган имкониятлар, берилган имтиёзлар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил этилди. Бугунги ўзгаришлар нафақат таълим сифатини ошириш, балки ўқитувчи касбининг нуфузини юксалтиришга ҳам қаратилгани таъкидланди.

Халқимиз розилиги — ислохотларнинг энг муҳим мезонидир. Наманганда кузатилаётган янгиланиш ва амалга оширилаётган ишлар ислохотларнинг ҳақиқий самарадорлигини намоён этмоқда. Бу жараён нафақат маҳаллий даражада, балки мамлакат миқёсидаги тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи сифатида катта аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда

Дангара туманидаги “Тайпок” маҳалла фуқаролар йиғинида 200 кВт қувватга эга замонавий қуёш фотоэлектр станцияси бунёд этилмоқда. Маҳалладаги 70 сотих майдонда тикланаётган ушбу фотоэлектр станция ишга туширилгандан сўнг аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини йилнинг тўрт фаслида ҳам тўлиқ электр энергияси билан таъминлаш имкони бўлади.

— Маҳалламиз туман марказидан 30 километр олис ҳудудда жойлашган, — дейди “Тайпок” МФЙ раиси Шерзод Комилов. — Айни пайтда мингдан ортиқ оилаларда 3,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу каби янгиланиш ва ўзгаришлар туфайли ҳудудда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолияти кенгаймоқда. Ўз навбатида, тадбиркорлик муҳити яхшиланиб, янги истикболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Қуёш фотоэлектр станцияси ишга тушгач, маҳаллада юқори даромадли иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳолининг иқтисодий фаоллиги янада ортиши кутилмоқда.

Чегарачиларга муносиб тўхфа

Сўх туманида жойлашган чегара қўриқлаш взводининг икки қаватли янги маъмурий биноси ҳамда 28 хонадондан иборат 4 қаватли хизмат уйи тантанали равишда фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Фарғона вилояти ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров қатнашиб, йирилганларни ушбу қўшалоқ хурсандчилик билан самимий муборакбод этди. Ўртимизда кейинги йилларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун яратиб берилаётган қулай шароитлар алоҳида таъкидланди.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳарбий хизматчилар учун барча замонавий шароитлар мўҳайё, — дейди янги уйга қўчиб ўтган Азамат Давронов ва унинг турмуш ўртоғи Севара Эгамбердиева. — Бундай эътибор ва рағбат юрт тинчлиги йўлида янада ғайрат-шижоат билан ишлаш, фарзандлар қамолидан хотиржам бўлишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир давомида оила соҳибларига янги уйлар қалити топширилиб, хонадонда яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Файзли дастурхон атрофида элу юрт тинчлиги учун дуога қўл очилди.

Китобсеварлар учун янгилик

Шу йилнинг баҳорида Бағдод туманидаги “Самандарак” МФЙда замонавий мезонлар асосида барпо этиладиган кутубхона қурилиши учун тамал тоши қўйилган эди.



Ўтган вақт мобайнида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, муҳташам маҳалла кутубхонаси қад ростлади. Ээгу ташаббус ижобати учун 120 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Айни пайтда тумандаги 40 дан ортиқ маҳаллада кутубхона ва зиё маҳаллари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари Зоҳиджон Тўраев. — Яқин вақт ичида “Уларма” ва “Қаҳат” МФЙда янги кутубхоналар ўз фаолиятини бошлади.

Тантанали очилиш маросимида янги кутубхонага Республика Маънавият ва маърифат марказининг Фарғона вилояти бўлими томонидан 500 нусха бадий адабиётлар совға сифатида топширилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда туманда 17 — 30 ёш оралиғидаги 57 минг нафардан зиёд аҳоли китоб мутолаасига фаол жалб этилган.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли қатнашишга эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Янги Ўзбекистонда бу борада қўлга қиритилаётган ютуқлар БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Муносабат

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон аёллари барча жабҳада ўз ўрни ва муносиб макеига эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”.

Мамлакатимизда гендер тенглиги сиёсати бўйича олиб борилаётган ишларни кузатар эканмиз, бугунга қадар мазкур йўналишда 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 2 та қонун, Президент Фармони ва қарорлари қабул қилингани устувор вазифаларнинг нечоғли ҳаракатда эканидан далолат.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида “Хотин-

тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлагани Ўзбекистоннинг янги ташки сиёсий курсини, миллий манфаатларини ҳамда минтақавий ва жаҳон миқёсидаги фаол иштирокини кўрсатди.

Нутқдаги ҳар бир ташаббус Ўзбекистоннинг очкичлик сиёсати-га, адолатли ва барқарор тараққиётга интилишига, халқаро ҳамкорликка тайёрилигини яққол намоён қилди. Бу нутқ нафақат дипло-матик жиҳатдан, балки мамлакатимизнинг халқаро имижини, минтақавий нуфузи ва стратегик истиқ-болини белгилашда ҳам юксак аҳамият касб этди. Жумладан, маҳаллий, минтақавий ва халқаро даражадаги масалаларга жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш ҳамда амалий ташаббусларни ил-гари суриш мақсадига қаратилган Президентимиз нутқи прагматив-лиги, ҳаққонийлиги ва реал ҳаётийлигини яққол исботдир.

Таъкидлаш жоиз, юбилей сес-сия “Биргаликда яхшироқ; тинч-лик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқла-ри учун 80 йил ва ундан кўпроқ” шиори остида ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари “БМТ-80” та-шаббусларини тўлиқ қўллаб-қув-ватлаган ҳолда, қатор илгор тақ-лифларни илгари сурди. Жумла-дан, гендер сиёсатиға тўхталиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг роли бундан буён ҳам мустаҳкамланишини таъ-кидлади. Шу маънода, минтақа миқёсида Осиё хотин-қизлар фо-румунини доимий платформаға ай-лантириб, мунтазам ўтказиб бо-риш муҳимлиги қайд этилди.

Бинобарин, 2024 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида “Аёл-ларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари ва имкониятла-риға минтақавий ёндашув” мав-зуида Осиё хотин-қизлари фору-ми бўлиб ўтган эди. Унда 50 га яқин давлат ва халқаро ташкилот-лар вакиллари қатнашганди.

Осиё хотин-қизлар форуми на-фақат миллий, балки минтақавий ва халқаро миқёсда ҳам кенг аҳамият касб этди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Марказий Осиё-даги етакчи давлат сифатида гло-бал ва минтақавий масалаларда фаол иштирокини яна бир бор на-моён қилди. Аёллар тадбиркорли-гини ривожлантириш, стартап-ла-ри қўллаб-қувватлаш ва молиявий имкониятларни кенгайтиришга,

миллий иқтисодиётда аёлларнинг иштироки орқали янги иш ўрин-ларни яратиш ва инновацияларни илгари суришга, Ўзбекистоннинг нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Осиё хотин-қизлар форумининг Ўзбекистонда ўтказилиши мамла-катимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида намо-ён бўлди. Ушбу нуфузли анжуман Ўзбекистоннинг глобал нуфузини ошириш, гендер тенглик ва бар-қарор тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида муҳим қадам бўлиб қолади.

Президентимизнинг халқаро минбардан янграган нутқи ҳали кўп мушоҳадаларга, илмий изла-нишларга қорлайди. Зеро, халқи-мизни рози қилишдек олий мақ-садға эришиш учун хотин-қизлар-нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатла-рини таъминлаш, уларнинг икти-содий ва сиёсий фаоллигини оши-риш Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегиясидаги муҳим йўна-лишлардан бириға айланган.

Гулрух АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси.

ЎЗЛИКНИ



Тарихини билган – мағрур, билмаган – мазлум

Буюк аждодларимиз, донишманд ота-боболар тарихни улуғ мураббийга қиёслаши бежиз эмас. Дарҳақиқат, мозийдан сабоқлар ҳар бир халқ, миллат учун тиниқ кўзгу тутади. Ўтмиш хатоларидан тўғри хулоса чиқариш ва эртанги кун истиқболи учун дадил қадам ташлашга ундайди.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Аламин бор...” сарлавҳали мақоласида кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва эзгу ғоялари асосида тарих ҳамда бугунги кун ўртасидаги узвий ришталарни мустаҳкамлашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар аниқ ҳаётий мисоллар орқали чуқур таҳлил қилинган. Ватан раънақ-ривожи, миллат орзуси, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, маъқени баланд кўтаришга қаратилган ҳаётбахш ислохотларнинг асл ўзаги ҳамда моҳияти аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг бир қарашда жайдари, лекин самимий фалсафаси ҳар қандай инсонни чуқур мушоҳадага чорлайди. Бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнидаги масъулият, дахлдорлик туйғусини кучайтиради. Юртимиз ва дунёда кечаётган турфа жараёнларга тийрак нигоҳ билан қарашга даъват қилади.

Бунёдкорлик ва яратувчанлик саодати

Бирда бунёд этиш, бирда вайрон қилиш инсониятга хос тушунча. Одамзод яралибдики, бу каби мафкуралар кураши асло тиним билмайди. Шу маънода айтганда, бугун сайёрамизнинг ҳар бир бурчаги, ҳар қарч еридан инсон онгу тафаккури учун кескин кураш кечаётгани аини ҳақиқатдир.

Бугунги глобаллашув даврида бирда очик-ошкора ёвузлик ниқобини кийган, бирда маданий йўллар орқали сингдиришга ҳаракат қилинаётган мафкуралар хуружи тобора кенг қулоч ёзаётгани ҳам бор гап. Ана шундай шароитда миллат ва жамиятни муштарак мақсад йўлида ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш, ҳамфикр ва ҳамасолақ бўлишга эришиш ҳар қандай давлат раҳбарига ҳам насиб этавермайдиган бахт.

Одатда, зулматдан кейин ёруғ йўлга чиққанда бир муддат кўзлар бундай манзарарга қўниқишга қўйналади. Лой, балчиқ йўлдан катта ва текис йўлда юриб борар экансиз, оёқ кийимидagi лой йўлда анча вақтгача ўзининг “из”ини қолдиради. Бу билимсизлик, тажрибасизликдан эмас. Инсоннинг феъли, табиати шунчаки у баъзан кўз илғамас олис самолардан мўъжизалар кутади. Аммо шундоққина ён-атрофда содир бўлаётган тарихий ҳарраёнлар, эврилишларни ўз вақтида пайкай олмаслиги мумкин.

Мақолада жуда ҳам ўринли эътироф этилганидек, “Шавкат Мирзиёев феноменидаги “ўзга”лик шундаки, у ичиндаги орзу-армони, ўз халқи, Ватанига бўлган ёниқ муҳаббатини намойишкорона ифода этмади. Писанда қилганлар, турли даражадаги кинояю қочиримлардан баландкор кутди. Аммо унинг фаолиятини жиҳдий кузатган киши Президент сийратидagi асл манзарани, оташин ғояни илғаш мумкин”.

Бу эса бунёдкорлик ва яратувчанликнинг улуғ саодати билан йўрилган эзгу ғоядир. Унда халқимизнинг энг неқоби орзу-мақсадлари, фазилатлари ва эртанги кунга юксак ишончи, интилиши мўжассам. Бундай ғояларни бунёдкор ва буюк эл умиди, қайғусидан куч-қувват оладиган, нафақат кўнча тарих, буюк аждодлар хурматини жойига қўядиган, бугунги кун фидойиларини боши узра баланд кўтариладиган давлат раҳбари амалга оширади.

Буниси энди — фахр. Буниси энди — гурур. Фақат ушбу жараёнда шунчаки томошабин бўлиб туриш эмас, давлат раҳбарига бақамти бўлиб, унга қанот бахш этиш, фаоллик ва фидойилик кўрсатиш жуда ҳам муҳимдир.

Мозийдан таралган нур

Дунёда ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб асрайди, бу табарруқ меросдан келажақ сари илдам одимламоқ учун куч-қувват олади. Зеро, тарих — буюк мураббий, инсон маънавияти, руҳияти ва фикрини тарбиялайди, тафаккури учун беқиёс тасаввур беради, ўтган буюк сиймоларнинг ҳаёт йўли ва илмий-маърифий, амалий фаолиятидан хабардор этади.



Шавкат АЙЮБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
Президенти, Ўзбекистон
Қахрамони.

Донишмандларимиз таъбири билан айтганда, кўёш бутун оламни мунаввар қилса, мозийдан таралган нур бугун ва келажаки нурафшон этади. Буни шунчаки рамзий ўхшатиш сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Лекин бу ўхшатиш замирида олам-олам маъно бор.

Тарих сўқмоқларидан мардонатор ўтиб келаётган халқимизнинг бирда шодумон, бирда қайғули кечмиши бисёр. Келинг, шу ўринда мақоладаги яна бир қуюнчақ фикрга эътибор қаратамиз: “Тан олиш керак, бизда тарихга назар турли даврларда турлича бўлган. Шундай вақтлар бўлдики, баъзан унинг итоаткор қулига айландик. Баъзан эса ундан фахрланиш билангина ўзимизни овутирдик. Билгунимизча таъкиб-бичдик, қўлга қайчи олиб, истагимизга мосладик”.

Мақолада эътироф этилишича, буюк аждодларнинг муқаддас хотираси, миллатнинг, Ватаннинг кадр-қимматини жойига қўйиш, топталган, баъзан оёқ ости қилинган шону шавкатини улуғлаш Президент Шавкат Мирзиёев мафкуравий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ учинчи Ренессанс ғоясини илгари сурди. Бу дунё тамаддунига ўз улкани хисса қўшган ва биринчи, иккинчи Ренессанс пойдеворини яратган улуғ аждодларимизга хурматнинг ёркин намунасидир.

Мақола мавзусига асосий ғоя бўлган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказини куриш ташаббуси ҳам Президентимиз томонидан 2017 йили кўтарилган эди. Ўтган даврда ушбу ташаббус реал ҳаётий воқеликка айланиб, мамлакатимизни пойтахтидаги Хазрати Имом мажмуаси ҳудудида 10 гектар майдонда муқташам марказ қад ростлади. Унинг қурилишида кўнча Шарқ, миллий меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий шаҳарсозлик архитектурасининг энг илгор ютуқлари умумлаштирилди.

Умуман олганда, Тошкент кейинги йилларда “Шарқ дарвозаси” деган мақомга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиб бормоқда. Ана шундай тарихий жараённинг гувоҳи ва иштирокчиси, фаоли, фидойиси бўлиш бугунги авлодларга насиб этаётгани улкан бахтдир.

Мақолани ўқиб асносида ҳаёлдан ўтган, қалбни уйғотган ва янада серқанлиртган туйғулар бир олам. Бундан келиб чиқадиган биринчи хулоса шуки, бугун биз Шавкат Мирзиёевнинг миллатга, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини, ўз ана халқи олдидаги фарзандлик бурчида бўлган садақатини кечаги кун хатолари, халқнинг дилидаги андуҳларни ювиб кетадиган толенинг бир иноятидек қабул қилсақ адолатдан бўлади, албатта.

Мақола бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган мафкуравий сиёсатнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб беришга хизмат қилиши билан кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

У ҳар бир қалби қайноқ, руҳан уйғоқ, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган инсоннинг ватанпарварлик, халқсепарлик туйғуларини жунбишга келтирадиган даражада ёзилган, десак, муболага эмас. Унда янгиланаётган Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, илм-фан, маърифат, маънавиятни ривожлантириш, одамларни маънан уйғотиш, жиқлаштириш, дунёга янги нигоҳ билан қарашга даъват этиш борасида олиб борилаётган ислохотларга урғу берилган. Буларнинг барчаси шоен қувонишга, юксак эътироф этишга сазовор, айни пайтда тарихий ишлар экани таъкидланган.

Шу ўринда ҳар бир ўқувчида “Хўш, унда муаллифнинг “Аламин бор...” дея маломат қилишининг боиси надир?” деган савол туғилиши табиий.

Мақолани мутолаа қилган газетхон ушбу саволга ҳам, албатта, жавоб топади. Яъни бу алам собиқ иттифоқ даврида мустамлакачилик сиёсатининг таъсирида миллатимиз тарихий хотиридан узоклаштирилгани, миллий ўзлиқни унуттишга мажбур қилингани, маънавий мажруҳга айлантирилгани, гурури топталганидан туғилган.

Бу алам истибод кишанлари парчаланса-да, мустақилликнинг дастлабки чорак асрида ҳам халқимиз унинг асоратларидан қутула олмагани, ўзига келмагани, буюк ўтмишини тўла англай олмагани, замонавий дунё сахнидаги маданий ва тарихий ўрнини кумга сингган сувдай “йўқолиб” қолганидан пайдо бўлган. Мудроқ кайфиятдан фориғ бўлганлар ҳам бу борада ҳеч бир иш қила олмагани, мум тишлаб яшашга мажбур бўлганидан кўр олган.

Бу алам “ўзбек”, “Ўзбекистон” сўзлари ҳақиқий мазмунидан чекиниб, дунё харитасида қайсидир маконни топишда муурожаат қилинадиган журофий нукта даражасига тушганидан қалбга чўккан...

Шўқри, миллатимиз қалбиданги бу алам кейинги йилларда худди тумандек тарқамоқда. Унинг ўрнини шўқоналик, шодлик, буюк ўтмиш ва улуғ аждодлар меросини билиш ҳамда англашдан туйилган гурур-ифтихор, уларга муносиб бўлишга интилиш, эртанги кунга мустаҳкам ишонч туйғулари эгалламоқда.

Рухиятимиз ҳам, дунёқарашимиз ҳам баҳор ёмғиридан кейин булутлар орасидан қўриган лажувард осмон каби тиниқлашиб борапти. Суратимиз ҳам, сийратимиз ҳам тобора чиroy очтапти. Ўзбек ўз аслига қайтапти.

Миллий гурур ва миллий ғоя... Халқни бир мақсад йўлида жиқлаштирувчи беқиёс куч. Бу куч миллатни бир мушга дўндиради, халқни энгилмас халққа, давлатни қудратли давлатга айлантиради.

Ўзбекистонда тараққиётнинг янги даврида ҳаётни янгилаш билан бирга, одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, ватанпарварлик ҳисларини кучайтириш, жамиятда соғлом муҳит яратишда ана шу буюк тарих ва улуғ аждодлар меросига ворисийлик туйғусига таянишмоқдаки, бунинг самарасини бугун барча жабҳада эришаётган ютуқларимиз намоён этиб турибди.

Кеча ва бугун уйғунлиги

Атоқли немис файласуфи Фридрих Нитше “Қайси миллат фақат ўз ўтмиши билан фахрланадиган бўлса, демек, у миллат қариб қолибди ва у тез орада халокатга маққумдир”, деб ёзади.

Дарҳақиқат, тарихдан фақат фахрланиш, ҳаволаниш учун фойдалансак, у ўз қийматини йўқотиб қўйган бўларди. У берган куч, аввало, бизни янги марраларга руҳлантирмоқда.

Бу йўлда олиб борилаётган беқиёс ишлардан бири, шўбҳасиз, Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислон цивили-

УНУТИЛМАС САБОҚЛАР ВА БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР – ЗИЁЛИЛАР НИГОҲИДА

Инсоният ривожи, миллат раънақи, маънавий юксалиш илму маърифатнинг юқори чўққига етганидан далолат. Сабаби, илму ирфон ўша миллат, халқ, давлат ва жамият тамаддунининг юксак даражасини белгиловчи муҳим мезондир. Юксак тамаддунга эга элнинг илдиизи маърифат чашмасига тўйинган бўлади. Ўзбек халқи ана шундай маърифат сувидан озиқ олган илдиизи бақувват, тарихда бир нечта Ренессанс даврини бошлаб берган ва дунё тамаддунига қўллаб алломаларни етиштирган миллатдир.

“Аламин бор...” сарлавҳали мақолада эътироф этилган фикрлар ҳар бир инсон онгу тушунига таъсир этмасдан қолмайди. Мақола ўқувчи ўтмиш, бугун ва келажақ ҳақида чуқур мушоҳадага чорлайди. Бир қарашда, сарлавҳадан мақола гина-қудуратдан иборатдек туюлса-да, аслида унда халқимиз ютуқлари ва имкониятларини кадрлаш, улардан оқилона фойдаланиш масалалари бонг урилган. Биргина армон — бу миллатнинг, Ватаннинг кадр-қимматини жойига қўйиш, топталган, баъзан оёқости бўлган шону шавкатимизни улуғлаш... Бу алам Ватан ва келажақ учун қуюниш, халқимизнинг тарихий сабоқлари ва бугунги ютуқларини таққослаб, эртанги кун учун хулоса чиқаришга даъватдир.

Бундан кўринадики, мақолада давлат раҳбарининг аини шу фазилатига ниҳоятда ўринли таъриф берилган: Шавкат Мирзиёев илгари сурган ғоя глобал, умуминсоний аҳамияти билан ниҳоятда ноёбдир. Марказга жаҳоннинг юзлаб нуфузли олимлари таъриф буюриб, бу ерда ижодий ва илмий фаолият олиб бориши буюк кашфиётлар, улкан ютуқларга пойдевор бўлади. Ўз вақтида биргина Маъмун академиясида эришилган тарихий ютуқлар бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Шаҳарларда ўтмиш билан бугунги кун, замон нафаси ҳамоҳанг яшайди, дейди донишмандлар. Буни кейинги йилларда янгиҳа қиёфада намоён бўлаётган мамлакатимизнинг бош кенти — Тошкент, пойтахтнинг дуру марвариди бўлган — эски шаҳар мисолида кўрса бўлади. Бир пайтнинг ўзида миллий қадриятларга мос шарқона латофа-ти, шу билан бирга, замонавий таракқиёт мезонларига монанд юксалаётган эски шаҳар халқимизнинг барча оруз-истакларини ўзида тўлиқ мўжассам этган.

Марказий Осиё халқлари қадимдан бу маданий ва улуғ тарихга эга. Буни эрмиздан аввалги даврлардаёқ заминимизда ихтиро қилинган бактрия, сўғд, хоразм ва ўрхун ёзувлари ҳам исботлаб туради.

Милоддан аввалги II асрдан бошлаб XV асргача устувор аҳамият касб этган Буюк Ипак йўли ҳам айнан мана шу худуднинг турли шаҳарларидан ўтган. Бу эса ўлкамизни нафақат савдотик, балки илм-фан ва маданиятнинг ҳам марказига айлантирди. Тинчлик-тотувлик, дўстона мулоқот ҳамда цивилизациялараро ҳамкорлик эса илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишга мустаҳкам замин бўлди.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислон цивилиза-



Қўниротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири.

диний мактабларга доир юрти-мизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топи-малар, осориатикалар, шу йўна-лишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, видео-фото ҳужжатлар билан бойитилади. Шу билан бирга, бу ерда кенг қўла-ли илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади.

Шу ўринда мазкур марказ фақат диний билимлар билан шуғулланади, деган фикр бироз янглиш эканини таъкидламоқчи-миз. Бу марказ ўз имкониятла-ри, замонавий шарт-шароитла-

УЙҒОҚЛИККА

зацияси марказининг муқташам биноси бунёд этилаётганидир.

Ушбу марказ — мозий ва бугун уйғунлашган муаззам мажмуа! Марказ фаолиятининг асосий мақсади эътиқоди ислон дини билан боғлиқ бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юрти-миздан етишиб чиққан буюк аллома ҳамда мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фао-лияти ҳақида яхлит тасаввур уй-ғотиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг та-ништириш, халқроқ миқёсда дин-лараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ислон динининг инсонпарварлик моҳи-ятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий гурур ва ифтихор руҳи-да тарбиялашдан иборат.

Бу ерда юртимиздан етишиб чиққан буюк ислон уламолари, жаҳон маданияти ривожига бе-қиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккирлар, рассом ва хаттотларга оид бой маълумотлар жамлан-моқда. Ушбу мажмуа ўзида но-дир экспонатларга бой Ислон санъати музейи, кутубхона ва қўлёмалар фондини мўжассам этади. Буюк аждодларимиз то-монидан асос қилинган илмий,

ри, олдида қўйган мақсад ва вазифалари билан барча гу-манитар фанлар ривожи учун том маънода илм-фан ўчоғига айланади.

Оруз-умидларимиз рўёби

Қурилиши якунланиш арафа-сида бўлган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази биноси гўзаллиги, маҳобати, бе-қиёс меъморий ечимлари билан ақлни шоширади, тамоан ўзига мафтун этади.

Бу муқташам қошона — янги Ўзбекистоннинг улкан бунёдкор-лик салоҳиятининг яққол ифода-си. Уни кўздан кечирав экансиз, дафъатан, буюк соҳибқирон бобомиз Амр Темурнинг “Биз-нинг куч-қудратимизга шўбҳа қилсангиз, биз қурган иморат-ларга боқинг”, деган даъвати ёдга тушади.

Эътиборлиси, марказнинг са-лобати у жойлашган бионинг маҳобатидагина эмас, биринчи навбатда, илмий салоҳиятида, амалга ошираётган бетимсол ишларида!

Президентимиз таъкидлагани-дек, халқимизнинг бой ва бетак-рор меросига оид кўп китоблар, турли ўлкаларга сочилиб кетган

тувлкини таъминлаш йўлида олиб борилаётган сиёсат халқроқ ҳамжамият томонидан кутулаб-қувватланмоқда. Шарқдан чиққан мутафаккирларнинг асарлари эса бугун ёш авлод учун билим ва тарбия манбаи бўлиб ишлатилмоқда. Маҳмуд Замахшарий мисолида кўрсак бўладик, инсон иродаси ҳамда билим-га чанқоқлик олдида ҳеч қандай тўсик барда-вом эмас.

Бугун Ўзбекистон халқроқ майдонда тобо-ра фаол бўлиб бормоқда. Экспокўргазмалар-да миллий павильонимиз жаҳон ҳамжамияти-ни ҳайратга солмоқда, ёшларимиз нуфузли халқроқ танловларда ғолиб чиқпти, чет эл-лик олимлар билан ҳамкорлик қучаймоқда, янги илмий марказлар, замонавий универси-тетлар очилаётир.

Глобаллашув ва миллий қадриятлар мувозанати

Бугун глобаллашув жараёни шиддат билан кечмоқда. Интернет, ахборот оқими, янги техно-логиялар — буларнинг барчаси бир томон-дан имконият, иккинчи томондан хавфдир. Агар биз ёшлар онгини маънавий иммунитет билан мустаҳкамламасак, миллий қадриятларимизни асраб-авайламасак, тарихий сабоқларни онги-га сингдириб бормасак, эртага улардан айри-лишимиз мумкин.

Сиёсатшуноснинг мақоласида ҳам шунга урғу берилади: миллий адабиёт, театр, мусиқа, халқ оғзаки ижоди, санъат — булар нафақат мерос, балки миллатнинг яшаш тамалидир. Бу борада масъулиятни муносабат ҳар бир зиёли ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши зарур. Бу масъулият, талабчанлик, миллат тақдирига бе-фарқ бўлмаслиқдир. Агар имкониятлардан фой-даланилмаса, халқнинг салоҳияти тўлиқ ишга солинамса, бу ҳақли равишда “алам” уйғотди.

Муаллиф “Аламин бор” мақоласида халқи-мизга уч муҳим ҳақиқатни эслатиб ўтади. Булар:

— тарихдан сабоқ олиш — ютуқлар ва хатолардан хулоса чиқариш;

— бугуннинг имкониятларини кадрлаш — эришилган натижаларни барқарор қилиш ва бойитиш;

— келажақ учун масъулият — ёшлар, миллий қадриятлар, илм-фан ва маданиятни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш.

Зеро, бугунги қувончларини келажаққа пой-девор бўлиши учун ҳар биримизда ҳам шундай “алам” — юрт, миллат ва келажақ тақдирига қайғуриш ҳисси бўлиши зарур.

Жорий йил учинчи чораги якуни билан мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 33,5 млрд. долларга етиши кутилмоқда.

АНГЛАШ САОДАТИ

кўлэмалар, ноёб маълумотлар, санъат асарлари, афсуски, бизга номаълум эди. Мана шу марказ сабаб бўлди тарихни ўрганишда катта қадамлар қўйди, янги манбалар юзага чиқди. Энди буларнинг таъсири, натижаси қандай бўлади? Уларни фақат ёдгорлик сифатида сақла-масдан, фаол илмий истеъмол-га киритиш, аҳолимиз, ёшлари-мизга тушунарли тилда етказиш, жаҳон жамоатчилигига кенг тар-ғиб қилиш керак. Бу даргоҳ на-фақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қила-диган, балки тарих, бугун ва ке-лажакни боғлайдиган, тараққиёт-тимизнинг асосий йўналишларини

ЧОРЛОВ

белгилаб берадиган ақл-тафак-кур маркази бўлиши зарур. Бугунги кунда марказ томо-нидан маҳаллий ва чет эллик мутахассислар кенг жалб этил-ган ҳолда илмий тадқиқот иш-лари йўлга қўйилиб, натижала-ридан кенг жамоатчилик хабар-дор қилиб бориляпти. Жаҳон ахлини бир мақсад — жаҳолат-га қарши маърифат билан ку-рашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирлар ўтказил-моқда. Марказ таркибидаги кутубхо-на ва архив, кўлэмалар фонд-лари Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ҳамда мутафаккирлар, азиз-ав-лиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мак-табларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадим-ий кўлэзма ҳамда тошбосма китоблар, тарихий ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-ятиқалар, шу йўналишдаги за-монавий илмий тадқиқот ишла-ри, китоб ва тўпламлар, видео ва фотоҳужжатлар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Бу ерда олиб борилаётган илмий ишлар бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бири — жаҳонинг турли бурчаклари-

да ислом дини билан ноҳақ боғ-ланадиган қарашлар, ҳар хил англашилловчиликларни бартар-ф этишга хизмат қилмоқда. Муқаддас динимизнинг одам-ларни, барча миллат ва халқ-ларни ҳамиша нурли ҳаётга, эз-гулик, ўзаро дўстлик ва инсо-нийликка даъват этиши, унинг асл, гуманистик мазмуни очиб берилмоқда. Муҳташам музейда Ўзбекис-тоннинг қадимий тарихи, мада-нияти, давлатчилик аъёналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилиза-цияси билан чамбарчас боғлиқ



холда шаклланиб, ривожланган ноёб экспонатлар орқали акс эттириляпти. Улар асосида комуслар, каталог ва альбом-лар яратилмоқда, телекўрсатув-лар, бадий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда бошқа мате-риаллар тайёрланаётир. Марказнинг энг асосий қисмида Қуръони қарим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда му-сулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Мусхафи joyлаштирилади. Шу-нингдек, жаҳондаги энг нодир кўлэзма Қуръонлардан намуна-лар ҳам ўрин олади. Сомоний-лар, қорахонийлар, хоразмшоҳ-лар, Ўзбекхон, теурийлар ва бошқа тарихий сулолалар дав-рида битилган муқаддас кито-бимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек тилидаги таржима-лари қўйилади. Бу ишлардан кўзланган мақ-сад битта — мамлакатимизда ажоддларимиз кўлга киритган юксак марраларга таяниб, руҳ ва куч олиб, янгича тафаккур асосида янги ҳаёт, янги жа-

мият, янги цивилизацияни бар-по этиш, Ўзбекистоннинг бугун-ги жаҳон тараққиётида азалий ўрнини тиклаш. Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази замонавий қараш, мустақил фикр ва ҳаётий позицияга эга, илмсевар, меҳ-наткаш, ватанпарвар — чин маъ-нода янги цивилизация бунёд-корларини камол топтиришга хизмат қилса, ишончимиз қомил-ки, учинчи Ренессанс пойдево-рини яратишдек эзгу ният, орзу-умидларимиз тез орада рўйбга чиқади.



Илмсиз яшаб бўлмас Сийёсатшунос Қудратилла Рафиқов ўз мақоласида “Нима учун бу ишларни илгарироқ қи-мадик, қимдан, нимадан кўрдиқ?” деган саволни ўрта-га ташлагани бежиз эмас. Унга жавоб бериш учун узок-дан-узок мулоҳазаларга, мушо-ҳадаларга берилиш мумкин. Ле-кин, гапнинг индаллосини айт-ганда, бундай саркашлик, бо-қибегамлик, сусулик, бефарқ-лик, андишасизлик ўтган давр-даги шарт-шароитлар, мавжуд муҳит билан бирга, инсоннинг Бинобарин, ҳозирги глобаллашган асрда, онгу қалб учун кураш ҳар лаҳзада авжга чиқаётган қийин бир паллада мамлакатни тараққий эттиришнинг ҳам, ғоявий таҳдидлар, мафкуравий бўронлар ичра миллат ва халқ сифатида яшаб қолишнинг ҳам асосий омилли инсонларда маънавий иммунитет ҳосил қилишдир. Президентимиз томонидан юртимизнинг шонли ўтмишига мос ва хос бўлган жозибали илмий-маънавий муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган ислохотлар бу йўлда чинакам таянч ва суянч бўлиши, шубҳасиз.

МАЛОМАТ ЭМАС, ДАЪВАТ

Қалбни силкитадиган сатрлар борки, уларни ўқиган заҳоти инсон ўзини нафақат ўқувчи, балки фикрда ҳамсафар, қалбда ҳамдард сифатида ҳис қилади. “Аламин бор...” номли таҳлилий мақолада муаллиф нафақат тарихга назар ташламоқда, балки бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг маънавий-руҳий асосларини, давлат раҳбарининг тафаккури ва мақсадларини қалбан англашга интилади.

Бу мақолада алам — маломат эмас, балки маърифий уйғониш, руҳий хушёрлик, миллий фахр ва тарихий адолат учун даъватдир. Бу алам — халқнинг дунёда тутган ўрни қадрланмаганидан, ажодлар ме-росининг кўп йиллар забун ва безътибор қол-ганидан, ёш авлоднинг ўз ўтмишини ан-глашда иккиланиши мумкинлигидан туғил-ган аламдир. Аммо бу алам — фақат ўтмиш-га назар билан чекланмайди. У келажакка ишонч, миллий руҳнинг уйғониши, янги ри-вожланиш босқичига кўтарилиш учун ички заҳира, маънавий куч сифатида тақдим эти-лади. Муаллиф мақолада жуда сезгир, ўта му-раккаб масалаларни эҳтиром ва масъулият билан ёритган. Хусусан, Шавкат Мирзиёев шахсияти орқали мамлакатдаги сиёсий мафкуравий ўзгаришлар, тарихга муноса-батдаги бурилишлар, учинчи Ренессанс ғоясининг моҳияти ҳақида билдирилган фикрлар ўта теран ва далилдор. Мақо-лада келтирилган Президент сўзлари бу-гунги сиёсатнинг нафақат иқтисодий ва иж-тимоий, балки маънавий ва маданий юзи-ни ҳам яққол намоён қилади. Айниқса, Ўзбекистондаги Ислom цивили-зацияси маркази барпо қилиниши орқали миллий ўзликини, маънавий меросни тик-лашга бўлган улугвор ҳаракат — бугунги куннинг глобал моҳиятга эга тарихий воқе-лиги баён этилади. Бу фақат архитектура эмас, балки ғоявий ва маърифий инқилоб-дир. Бу ҳақда муаллифнинг юракдан чиқ-қан сўзлари ўқувчини ҳам ўзи билан бирга ўша руҳий сафарга бошлайди. Ҳар бир халқ тарихида унутилмас дард-лар, тилаклар, ўзлигини топиш сари ури-нишлар бўлади. Аммо камдан-кам миллат-гина ана шу уринишни мазмуни ислохот-га, ғоявий ҳаракатга, ривожга айлантира олади. “Аламин бор...” — ана шундай ҳара-катнинг маънавий манифестидир. Муаллиф тарихга нафақат маълумот си-фатида, балки халқнинг руҳий асоси, ман-баи сифатида қарайди. Бу — жонқуярлик ва ватанпарварлиқнинг аниқ белгиси. Ас-лида, “Аламин бор” сўзи тақдирга шикоят



Шухрат БОЙМУРОДОВ, Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

эмас, балки миллат тақдирига бефарқ бўлмаган қалбнинг сўзидир. Сийёсатшунос олим тарихий ҳақиқатлар-га суянган ҳолда маданий инфратузилмани тиклашни маънавий озоодлик, деб баҳолай-ди. Бунда “Ўтмишни унутган келажақ қурол-майди” деган ғою муҳассам. Аждодлар меросига муносабат Айтиш жоизки, муаллиф тарихий шахс-лар — Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Теу-мур каби буюк ажодларимизнинг бой маънавий ҳамда илмий мероси, дунё ци-вилизациясига қўшган ҳиссасини эслашиб, бу меросга бўлган бефарқликдан ёзғира-ди. Бу, ўз навбатида, маънавий сусуш-лаш, илмий тан олинмаслик, ўзликини унуттиш каби жиддий оқибатларга олиб ке-лишини ҳам моҳирона очиб беролган. “Ўзбек” деганда фақат пахта, ош ва дўппи ҳаёлига келмаслиги керак, дейили-ши эса айнан шу иллатнинг огрикли таҳли-лидир. Бундан ташқари, мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг маънавият, тарих ва маданиятга алоқадор фикрлари асосида унинг сиёсати шунчаки популизм эмас, бал-ки миллий ва умуминсоний қадриятлари-мизга суянган стратегик йўналиш эканлиги далиллар асосида исбот қилинган. Дарҳа-

қиқат, учинчи Ренессанс ғояси, Ўзбекистон-даги Ислom цивилизацияси маркази лойи-ҳаси, ўтмишни тиклаш орқали янги тафаккур-га йўл очиш — бу фикрларнинг барчаси маъ-навий мустақилликка интилишни англатади. Муаллиф Альбер Камю, Фредерик Стар, Пол Уордсворт каби муаллифлар фикри ор-қали Ғарбнинг ҳам бу минтақа тарихи ва интеллектуал базасига жиддий эътибор қаратганини кўрсатиб беради. Бу — нафа-қат миллий, балки глобал нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон тарихий салоҳиятини очиш-га хизмат қилади. “Марказий Осиё фақат йўл эмас — у цивилизация маркази бўлган” деган қарашни илгари суради.

Мухим хулосалар ва сабоқлар Тарихни билиш — келажақни англаш, де-гани. Шу маънода, муаллиф сўзининг охи-рида “афсоналар ўлмасин”, “тарих яна ти-рикликка қайтсин” деган фикрни илгари су-ради. Бу — миллий ғурурни уйғотиш, ўзли-ки англаш ва мустақил фикрли авлод етиштириш йўлида зарур қақирқидир. Ҳақ гап шуки, ўз тарихининг ўзинг гапи-масанг, бошқалар ўзинча ёздади. Беруний, Ибн Сино, Хоразмийларнинг араб ё форс дей-лаётгани — бизнинг сукутими оқибатидир, деган фикр бугунги ахборот майдонида ўз ўрнида билишга кераклигини яна бир бор эслатади. Яна бир ҳақиқат, маданиятсиз тараққиёт бўлмайди. Иқтисодий ютуқлар қай даражада бўлмасин, агар маънавий тафаккур юксал-маса, ривожланиш мукамал бўлмайди. Бу мақоланинг асосий ғояси. Умуман, ушбу мақола нафақат таҳлил, бал-ки мафкуравий ҳаракатга қақирқидир. Муал-лиф тарих орқали миллатни руҳан уйғотиш, ўтмишни тиклаш орқали келажақка ишонч уй-ғотишга уринган. Мақоладаги “алам” — му-хаббатдан келган. Унда ҳақорат ёки нафрат йўқ, балки масъулият ва миллий ғурурни уй-ғотишга қақирқидир бор. Бу таҳлил — тарғибот ёки сиёсий мақола эмас. Бу — қалб сўзи, миллат қайғуси ва умидлар муҳассам бўлган мустаҳкам фикрий асосга эга нуқтий асар. У ҳар бир ўзбек ўқши ва мулоҳаза қилиши керак бўлган, миллий ўзлик ҳақда келажақ ҳақидаги очик ва самимий мулоҳазалар маж-муидир. Бундай кенг қамровли ва чуқур таҳлилга эга мақолаларни оммага етказиш, ёшлар орасида миллий ўзлиқни англашга катта ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Миллатни улуғлаш йўлида

Мақола кишини чуқур ўйга толдиради, маълум хулосалар чиқаришга ундайди. Боиси мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги даврда тарихга ҳолисона баҳо бериш, миллий ўзлиқни англаш ва келажақка тўғри йўл ташлаш учун, қолаверса, Президентимизнинг мафкуравий сиёсатини амалга оширишда бундай асарларнинг аҳамияти катта. Мақола миллатни бирлаштириш, бепарволик ва лоқайдликка қарши курашиш, ёшлар қалбиди Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш каби муҳим вазифаларни ўз олдига қўйган. Ўтмишдан сабоқ олиш, тарих ҳақиқатларини англаш — бугунги кун талаби. “Аламин бор...” каби мақолалар ана шу талабга жавоб беради. Мақсад қиммидир айблаш эмас, балки ҳақиқатни билиш, англаш ва шу асосда келажақни қуришдир.

Президентимиз миллат кела-жагини, унинг фаровон, тинч ва хавфсиз яшаш масъулиятини ўз гарданига олган етакчи, давлат арбоби. Сийёсатшунос Қ. Рафи-қов ушбу мақолада давлатимиз раҳбарининг ички дунёси, орзу-армонлари ва миллатга бўлган муносабатини бутун бўй-баста билан очиб берган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекис-тон замини икки буюк Ренессанс даврига ғувоҳ бўлган, жаҳон ци-вилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган юрт. Инсоният тарихида чуқур из қолдирган алломалар, мутафаккирлар, олимлар айнан шу заминда камолга етган. Ватанимиз нафақат интеллект-туал ва маданий мерос, балки сиёсий-ҳарбий аъёналар жиҳа-тидан ҳам юксак ривожланишга эришган. Амир Теурудек жаҳон-ғир, Берунийдек олим, Ибн Синодек табиб, Улуғбекдек астрономлар айнан шу юрт фар-зандларидир. Уларнинг илмий кашфиётлари, маданий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти-ни йўқотмаган.

Шундай экан, биз ўз тарихи-мизни, маданиятимизни, қадри-ятларимизни чуқур ўрганишимиз, уни асраб-авайлашимиз ва кел-гуси авлодларга етказишимиз зарур. Етук сийёсатшунос ўз ма-қоласида мана шу “аламлар”ни, изтиробларни, Президентимиз қалбидан, дилидан ўтаётган ке-чинмаларни бирма-бир таҳлил қилади. Давлатимиз раҳбари миллат-нинг шон-шарафини тиклаш ва дунёга намоён қилиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислom цивилиза-цияси марказининг қурилишига камарбаста бўлгани тарихий аҳамиятга эга. Мазкур марказни қуриш ғояси Президентнинг илк давридаёқ ўртага ташланган бўлиб, бу унинг тарихий-маданий меросга, хусусан, ислом ва те-мурийлар Уйғониш даврига бўлган эътиборини кўрсатади. Муаллиф пахта сиёсати халқимизнинг қаддини буквани, пахта яккахокимлиги даврида халқимизнинг ижодий салоҳи-яти, тадбиркорлик қобилияти чекланганини алам билан тас-вирайди. Ва муҳими, бугунги кунимиз ва келажақимиз учун тўғри хулосалар чиқаришдир. Биз пахта монополиясининг асоратларини бартараф этиш, иқтисодиётимизни янада ди-версификациялаш, таълим ти-зимини ислоҳ қилиш ва янги авлодни замонавий билимлар билан қуроллантириш устида ишлашимиз керак. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимизнинг фаровон-лигини таъминлаш учун биз, аввало, ўтмишдаги хатолари-мизни тан олишимиз ва улар-дан сабоқ чиқаришимиз лозим.

Муаллиф нимадан афсусда?

Юртбошимизнинг миллат-нинг ўтмиши ва Ватан тарихи ҳақидаги сўхбатларида акс эт-ган қайғу унинг миллатпарвар-лиги ва ватанпарварлигини на-моён қилади. Унинг “Ўзбек ёки Ўзбекистон, деса нега доим пахта, ош, дўппию чопон би-лан чекланишди?” деган саво-ли миллатни дунёга танитиш учун бошқа қийматларни ҳам кўрсатиш заруриятини англата-ди. Мақола миллат етакчисини ўз халқининг ёвқур фарзанди, миллат қайғуси билан яшайди-ган, унинг қадр-қимматини тик-лашга интиладиган раҳбар си-фатида тасвирлайди. Муаллиф Президент Шавкат Мирзиёев-нинг нутқларини таҳлил қилиш орқали унинг шахсиятини, ғояларини ва миллатга бўлган муносабатини тушунишга ёрдам беради. Унда Президент-нинг миллатнинг ўтмишини қадрлаш, унинг шон-шарафи-ни тиклаш ва дунёга танитиш-дек муҳим мақсадлари борли-ги таъкидланади. Яна бир жиҳати, муаллифни тарихнинг адолатсизлиги чуқур қайғуга солади. У ажодлари-мизнинг илм-фан ва мадани-ятга қўшган беқийёс ҳиссаси эътиборсиз қолаётганидан из-тироб чекади. Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Бе-руний каби алломаларнинг кашфиётлари ва мероси дунё цивилизациясига улкан таъсир қўратганини таъкидланади. Са-марқанд қорози, Фарғона ипа-ги каби махсулотларнинг жа-ҳон миқёсидаги аҳамияти ҳам шундан далолат беради. Фре-дерик Старнинг Марказий Осиёнинг меъморчилик санъа-тига қўшган ҳиссаси ҳақидаги



Садриддин ТУРАЖОНОВ, Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

сўзлари келтирилиши, хориж-ли мутахассисларнинг ҳам бу ҳақиқатни тан олишини кўрса-тади. Аммо муаллиф бу эъти-рофлар кенг жамоатчиликка етиб бормаётганидан афсусла-нади. Муаллиф Шавкат Мирзиёев-нинг сўзлари ва нигоҳларида ҳам худди шу ўқинч ва савол-ларни сезганини айтади. Бу Президентнинг ҳам миллий ме-росга юксак эътибор қарати-шига ишора қилади. Муаллиф пахта сиёсати халқимизнинг қаддини буквани, пахта яккахокимлиги даврида халқимизнинг ижодий салоҳи-яти, тадбиркорлик қобилияти чекланганини алам билан тас-вирайди. Ва муҳими, бугунги кунимиз ва келажақимиз учун тўғри хулосалар чиқаришдир. Биз пахта монополиясининг асоратларини бартараф этиш, иқтисодиётимизни янада ди-версификациялаш, таълим ти-зимини ислоҳ қилиш ва янги авлодни замонавий билимлар билан қуроллантириш устида ишлашимиз керак. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимизнинг фаровон-лигини таъминлаш учун биз, аввало, ўтмишдаги хатолари-мизни тан олишимиз ва улар-дан сабоқ чиқаришимиз лозим.

Ўтмишдан сабоқ олиб, келажақка интилиш зарур

Келажақ — билимли, интел-лектуал ва тадбиркор авлод қўлида. Биз уларга имкон бе-ришимиз, уларни қўллаб-қув-ватлашимиз ва рағбатлантири-шимиз лозим. Фақат шундан-и-на биз пахта исканжасининг асоратларидан халос бўлиб, дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўша оламиз. Энди биз дунёнинг чет-и, учинчи даража-ли бир давлат, халқ деб қараш-ларга қўниммаслигимиз шарт. Бундай фикр ўзини камситиш-га мойилликни кўрсатади. Ўзига нисбатан ҳаддан ташқари тан-қидий бўлиш ҳам ривожланиш-га тўққилиш қилиши мумкин. Ўтмишдаги муаммоларга ҳаддан ташқари эътибор қаратиш келажақка интилишга ҳалақит бериши мумкин. Ўтмишни унуттиш керак эмас, лекин унга қараб туриб қолиш ҳам ярамайди. Муҳими — ўтмишдан сабоқ олиб, келажақ-ка интилиш. Ўзлигини англаш ва тарихни қадрлаш муҳим, ле-кин бу бошқа халқларни мен-симасликка олиб келмаслиги керак. Ташқи фикрга ҳаддан ташқари эътибор қаратмаслик керак. Ўз қучига ишониш ва ўз йўлидан бориш муҳим.

Янги Ўзбекистонда бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Имом Бухорий мажмуаси миллатнинг бошини баянд кўтариши учун асос, ҳужжат бўлади. Миллатнинг тафаккуридан қулликни бутунлай бартараф этади, миллатни ўзлигига қайтаради. Бу мажмуалар — миллатнинг ғурурини қайта тиклаш, унинг дунё цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини намоёйиш этиш учун ҳам хизмат қилади. Сийёсатшунос Қудратилла Рафиқов мақоласида таъкидлагани-дек, Президент Шавкат Мирзиёев мафкуравий сиёсатининг асл ўзаги ҳам шу. У миллий ўзлиқни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий қадриятларни қадрлаш ва уларни келажақ авлодларга етказишга қаратилган.



Самарқанд давлат университети жамоаси

**1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
байрами билан барча устозларни,
фидойи муаллимларни,
илм-фан намояндаларини
муборакбод этади.**

Фахр

«Умримни болаларга бағишладим...»



Олийгоҳни тамомлагач, Шўрчи туманидаги 39-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Ўқувчиларнинг асосий қисми тумандаги Қораариқ маҳалласида яшайди. Гап шундаки, бу маҳалла болалари йиллар давомида 5 — 8 километр масофа босиб, 70, 47 ва 39-мактабларга яёв қатнашга мажбур эди. Қишнинг совуғи, ёзнинг иссиғи, ёмғир шамол бунга тўсиқ бўла олмасди — улар билим излаб келарди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида таълимнинг ҳар бир бўғинида катта ўзгаришлар кузатиляпти. Президентимизнинг ташаббуслари билан олис ҳудудларда ҳам бо-

лалар учун тенг ва муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу йил қораариқликлар учун қувончли ва унутилмас бўлди. Маҳалла ҳудудида замонавий, барча қулайликларга эга янги 74-умумтаълим

мактаби барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Ўқувчиларим бу мактабга ўтгач, шу пайтгача қийин шароитларда ҳам сабаб-сиз дарс қолдирмаган, билимга чанқоқ бу фарзандларимдан айрилишни истамадим. Шу сабаб, яшаш ҳудудимиздан 8 километр узоқда бўлса-да, янги мактабга ишни кўчирдим. Хар куни скутерда ишга келаман — бу машаққатли эмас, асосийси, сеvimли ўқувчиларим билан биргаман.

Таълим соҳасига бўлган юксак эътибор менга ҳам куч, шижоат бағишляпти. Яқинда таълим соҳасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз мактаб таълимидаги муҳим янгилликлар ҳақида гапирди. Жумладан, 9 ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниши, бу орқали ўқувчи ўз қобилиятига қараб техникум ёки олий таълимга йўналиши мумкин бўлиши айтилди. Фанлар бўйича халқаро сертификатлар давлат имтиҳонларида ҳам эътироф этилади. Мактабларда маслаҳатчи лавозими жорий қилиниб, ўқувчилар 7-синфдан оқ қизиқиши асосида саралаб йўналтирилади.

Устозларга бўлган ғамхўрлик ва ижтимоий рағбатлар ҳам эътиборга молик. Энди камида 15 йил стажга эга олий тоифали педа-

голар учун ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади. Педагоглар фарзандларининг олийгоҳдаги шартнома тўловига 30 фоиз чегирма берилиши, янги таълим технологияларини қўллаш учун 10 млн. сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши, давлат хизматлари учун тўловнинг икки баробар камайитирилиши меҳнатимизга бўлган юксак баҳодир.

Фан ўқитувчилари қаторида бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификатлаш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устама тўланади. Имтиёзли диплом билан мактабга ишга кирганларга 2-малака тоифаси, магистрларга 1-малака тоифаси берилади. Ҳатто дунёдаги «ТОП — 300» талик олийгоҳларда ўқишни бошлаган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилиши ҳам назарда тутилган. Бу имкониятлар фақат молиявий ёрдам эмас, минглаб устозларга ҳурмат ва ишонч, меҳнатига бўлган эътибордир. Бундай пайтда инсон ўзининг танлаган касби билан янада кўпроқ фахрланади.

Гулсал ЖУМАЕВА.
Сурхондарё вилояти

Тўқсон нафар битирувчининг барчаси — талаба

Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчиларнинг ишига уларнинг билими, фаолият натижадорлигидан келиб чиқиб маош тўлашнинг аниқ ва адолатли тизими йўлга қўйилиши соҳада янгиланишларни бошлаб берди. Ваҳоланки, авваллари ўқитувчини ўз устида ишлаш, изланишга руҳлантирадиган тизим йўқ эди.

Ўзим раҳбарлик қилаётган Ғузор туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактаби мисолида олсак, бу ерда 700 нафардан ошқ ўқувчиларга 53 нафар педагог таълим бериб келмоқда. Уларнинг 26 нафари олий тоифали, 5 нафари 1-тоифали устозлар ҳисобланади. Кўплаб устозларимиз ўз мутахассисликлари бўйича миллий ва халқаро сертификатларга эга. Билимли, салоҳиятли, 10 миллион сўмдан ошқ маош олаётган ўқитувчиларимиз кўп. Бу бошқаларни ҳам шунга руҳлантирмоқда.

Устозларнинг ўз ишидан моддий манфаатдорлиги ортиши, дарсга, ишга муносабати ўзгариши ўқувчиларимиз эришаётган ютуқларида ҳам акс этаяпти. Утган ўқув йилида 98 нафар битирувчимизнинг 85 нафари умумий ҳисобда 162 та хорижий ва миллий сертификатни қўлга киритди. Саксон тўрт нафар битирувчи юртимиздаги энг нуфузли давлат олийгоҳларининг, 6 нафари хорижий университетларнинг та-



лабасига айланишди. Мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтаётган турли танловлар, фан олимпиадаларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётган ўқувчиларимиз сони ҳам йилдан-йилга ошиб борапти.

Албатта, буларнинг ҳеч бири осмондан тушаётгани йўқ. Чунки бугун ўқувчиси маълум бир ютуққа эришган ўқитувчининг меҳнати исиз кетмаяпти, муносиб рағбатлантирилмоқда. Натижада ўқитувчиларимизда керак бўлса, дарсдан кейин ҳам қолиб ўқувчилари билан ишлаш, натижа кўрсатишга бўлган иштиёқ пайдо бўлди. Бугун Президентимиз томонидан ўқитувчилар олдига қўйилаётган талаб ва яратиб берилаётган шарт-шароит, моддий ва маънавий қўлловлар бизни шунга руҳлантирмоқда.

Ашур ТИЛОВОВ,
Ғузор туманидаги 68-мактаб директори.

РЕКЛАМА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни, жонажон Ватанимиз таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан муборакбод этишдан бахтиёрмиз!

Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессансга асос солинаётган айни кунларда Сиз, азизларнинг шарафли касбингиз туфайли нишонланаётган ушбу байрамнинг мазмун-моҳияти, кадр-қиммати ўзгачадир.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эъзоз-эътибори туфайли бугунги кунда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти кундан-кун ортиб бормоқда.

Шу боис Янги Ўзбекистонда уларнинг кадр-қиммати янада юксалиб, устозга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айланди.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасига берилаётган изчил эътибор боис айни шарафли касб эгаларининг ижтимоий ва моддий таъминоти тубдан ўзгарди. Ўз навбатида, устоз ва мураббийларнинг ҳолис хизматлари, заҳматли меҳнати туфайли ёшларимиз илм-фан, техника, маданият ва санъат ҳамда спорт соҳаларида юксак натижаларга эришмоқда. Бундай ютуқлар барча ватандошларимиз қатори университетимиз жамоасига ҳам доимо мамнуният бахш этади. Айниқса, кейинги йилларда халқаро фан олимпиадаларида эришилаётган ютуқлар, ёш олимларимиз илмий салоҳиятининг юксалиб бораётгани Сиз, азизларнинг бевосита фидойилигингиз туфайлидир.

Айём муносабати билан барчангизга яна бир бор энг эзгу тилаklarимизни йўлаймиз. Доимо соғ-омон бўлинг! Янги-янги зафар марраларини забт этишингизга тилакдошимиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!

Тошкент давлат иқтисодийёт университети жамоаси.

Жорий йилнинг 7 — 9 октябрь кунлари пойтахтимизда «Aquatherm Tashkent — 2025» кўргазмаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳриратининг марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.55 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6